O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 10 февраль, № 30 (4183) Шанба

БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Юртимизда улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 566 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар, илмий анжуманлар, навоийхонлик кечалари давом этмоқда. Анъанага кўра, 9 февраль куни пойтахтимиздаги буюк шоир номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғига олимлар, адиблар, санъаткорлар, халқаро ва жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, талаба-ёшлар йиғилдилар.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида миллий маънавий меросимизни асраб-авайлаш, тарғиб этиш, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу бобокалонимиз Алишер Навоий ижодини янада чуқур ва мукаммал ўрганиш, ёшлар онгу-шуурига етказиш каби эзгу ишларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Шоир асарларида тараннум этилган инсонпарварлик, эзгулик ва меҳр-мурувват ғоялари юртимизнинг ижтимоий адолат, бунёдкорлик ва яратувчанлик соҳаларида эришаётган муваффақиятларида ўзининг ёрқин ифодасини топаётир.

Навоийшунос олима Суйима Ғаниева, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Хунцзюнь, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тойир Алишер Навоий асарлари ҳамон жаҳоннинг кўплаб халқлари тилларига таржима этилиб, катта қизиқиш билан ўрганилаётганини, турли мамлакатларда бобокалонимизга ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида ёдгорликлар ўрнатилаётганини таъкидладилар. Бундай эзгу амаллар башарият маданияти, адабиёти равнақига салмоқли ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг боқий маънавий мероси, халқимиз юксак салоҳиятининг умумжаҳоний эътирофидир.

Тадбир иштирокчилари шоир ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

* * *

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хиёбонида мушоира бўлиб ўтди.

Алишер Навоий ижодий меросига бағишланган тадбирлар юртимиз вилоятларида, таълим масканлари, маънавият ва маърифат даргоҳларида давом этмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 15 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида «Кунчиқар мамлакат» парламентида юртимизда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар мавзусига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН САЛОҲИЯТИ ТОКИОДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Ўзбекистоннинг Токиодаги элчихонаси ҳамда мамлакатдаги Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш институти билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбирда Японияниинг сиёсий ва дипломатия доиралари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тақдимот чоғида Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва демократик ислоҳотлар жараёнига, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан Олий Мажлисга қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг аҳамияти ва долзарблигига асосий эътибор қаратилди.

Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари, иқтисодий ва тузилмавий ислоҳотлар жараёнлари ҳам тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди. Макроиқтисодий ривожланиш қирралари ва барча соҳалардаги ўсиш суръатларини жадаллаштириш борасидаги ижобий ўзгаришлар қайд этилди.

Япония бош вазирининг махсус маслаҳатчиси, мамлакатнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Кёко Накаяма хоним ўз чиқишида «Ўзбекистон Япония учун самимий ва дўстона ҳамкорлик қилиб келаётган давлатлардан бири» эканини алоҳида таъкидлади. У икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолатини юксак баҳолар экан, кенг қамровли ўзаро ҳамкорлик узлуксиз ва мунтазам ҳукуматлараро мулоқотлар доирасида ривожланаётгани, бунда Осиё учун хос бўлган бирдамлик, маданият, анъана ва менталитетлар муштараклиги муҳим восита эканлигини қайд этди.

К.Накаяма хоним Ўзбекистондаги дипломатик фаолияти даврида кўрсатилган беқиёс ёрдам ва кўмак учун Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ва ўзбек халқига ўзининг самимий миннатдорлигини билдириб, «Япония ва Марказий Осиё ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланишида Ўзбекистон саъй-ҳаракатларининг ўрни алоҳидадир, ўзим бунга бевосита гувоҳ бўлганман», деди.

Осиё Тараққиёт банкининг собиқ президенти, «Nomura» илмий-тадқиқот институтининг катта маслаҳатчиси Тадао Чина Ўзбекистонга киритилаётган япон сармоялари ҳажмини кўпайтириш зарурлигини қайд этди. У Ўзбекистонда сармоявий муҳит янада яхшиланиши ҳамда мамлакатнинг устувор лойиҳаларига япон сармоялари жалб этилишида Япония ҳукумати ва Осиё тараққиёт банки ҳар томонлама кўмаклашишига умид билдирди.

Япония Ташқи ишлар вазирлигининг Европа масалалари бўйича бош директори ўринбосари Такеши Яги Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлар экан, Япония «Марказий Осиё + Япония» мулоқоти доирасида минтақа давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантираётгани ва Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги минтақаларо ҳамкорликни чуқурлаштириш жараёнларида етакчиликни ўз зиммасига олишга қодир бўлган муҳим мамлакат сифатида қараётганини қайд этди.

Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш институти ижрочи директори Тецуджи Танака сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида И.А.Каримов томонидан амалга оширилаётган сиёсий партияларнинг, шунингдек, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотларнинг фаолиятини янада эркинлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётгани ҳамда жамият демократлашаётганидан далолат беришини таъкидлади.

«Жаҳон» АА.
Токио.

ЮРТИМИЗ ФРАНЦИЯЛИК САЙЁҲЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Мамлакатимизнинг Париждаги элчихонасида "Ўзбекистон – Марказий Осиёнинг юраги" мавзуига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Франциянинг "Променад де ла конессанс" уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда ушбу мамлакатнинг етакчи фирма ва компаниялари вакиллари, ишбилармон ва тадбиркорлар, шунингдек, Ўзбекистон тарихи ва маданиятига қизиқадиган франциялик ихлосмандлар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан "Променад де ла конессанс" уюшмаси президенти Мишель Бриго Франция билан Ўзбекистон ўртасидаги илиқ, дўстона муносабатлар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Семинар доирасида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Иштирокчилар "Ўзбекистон ҳаво йўллари" фаолияти, парвозлар йўналишлари, йўловчиларга кўрсатилаётган хизматлар, компания янгиликлари ва яқин келажакка мўлжалланган режалар билан атрофлича танишдилар.

Юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган ҳужжатли фильмлар намойиши анжуман қатнашчиларига мамлакатимизнинг гўзал манзаралари ва кўҳна шаҳарларимиздаги қадимий ёдгорликлар билан танишиш имконини берди.

"Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан бўлган суҳбат чоғида "Променад де ла конессанс" президенти Мишель Бриго ўзи раҳбарлик қилаётган уюшма нотижорат ташкилоти бўлиб, унинг мақсади дунё халқлари маданияти, анъаналари ва тарихини ўрганиш ҳамда уларни тарғиб этишдан иборат эканлигини маълум қилди. "Шу мақсадда биз кўргазмалар ва дунёнинг турли мамлакатларига саёҳатлар уюштирамиз. Бугунги семинарда Ўзбекистон, унинг маданияти, урф-одатлари ва қадимги ёдгорликлари тўғрисидаги жуда қизиқарли ва муҳим маълумотларни олганимиз бизда юртингиз бўйлаб саёҳат қилишга қизиқиш уйғотди", — деди у.

"Санофи авентис" фармацевтика компанияси вакили Колет Папион ҳам элчихонадаги учрашув мазмунли ва қизиқарли ўтганини таъкидлади.

— Афсуски, айрим францияликлар ҳозирча Ўзбекистон ҳақида тўла маълумотга эга эмас. Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларингизнинг манзараларини телевизор экранида кўрган одам ҳам уларнинг гўзаллиги ва улуғворлигига тан беради. Семинар чоғида мен Ўзбекистон бўйлаб саёҳат уюштиришга қарор қилдим.

Ғайрат ШУКУРОВ,
Париж.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида «Экосан» халқаро ташкилоти бир қатор хайрли тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Саломатлик поезди жўнаб кетди

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси кўмагида уюштирилган навбатдаги инсонпарварлик ёрдами Сурхондарё вилоятининг алюминий заводи салбий таъсир кўрсатаётган ҳудудидаги Сариосиё, Узун ва Денов туманларига жўнатилди. Мазкур саломатлик поездидаги 50 миллион сўмлик кийим-кечак, болалар пойабзали ҳамда санитария-гигиена жиҳозлари ҳимояга муҳтож оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексаларга ва ижтимоий соҳа объектларига тарқатилади.

Тошкент Шимолий темир йўл вокзалида бўлиб ўтган тадбирда таъкидландики, шу кунгача республикамизнинг барча минтақаларига 70 дан зиёд поездда 4,2 миллиард сўмлик саломатлик ва инсонпарварлик ёрдами етказиб берилган. Шунингдек, поездларнинг тиббиёт бригадаси томонидан 600 минг кишига тиббий-консультатив кўмак, 700 минг кишига моддий ёрдам кўрсатилди.

Шоира БОЙМУРОДОВА.

МИКРОСАРМОЯ — ЯХШИ ЯШАШГА ИМКОНИЯТ

Юртимизга қут-барака олиб келган йил сарҳисоб қилинмоқда. Ўтган йил ҳаётимизнинг барча жабҳалари қаторида иқтисодиётимизда ҳам жуда катта ўзгаришлар ясади. Иқтисодий кўрсаткичлар, жумладан, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсишида айтишга арзигулик ютуқларга эришилди.

Таъкидлаш жоизки, қўлга киритилаётган ана шу муваффақиятларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Мазкур соҳанинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашда Президентимизнинг ўтган йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамият касб этди. Яъни, ана шу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши орқали мамлакатимизда микросармоялаш институтларининг яратилишига асос солинди.

Гап шундаки, бугунги кунда микромолиявий институтлар бутун жаҳонда халқ фаровонлиги йўлида микрокредит ва микролизинг хизматлари кўрсатиш борасида фаол хизмат қилмоқда. "Микрокредитбанк" шундай сармоялаш ташкилотики, у ўз қобилияти, билими, ҳунари, заковатини ишга солишни истайдиган, ҳалол меҳнат қилишга бел боғлаган ҳар бир фуқаро хонадонига, тадбиркорликни, турмуш шароитини яхшилашни, бойишни хоҳлайдиганлар истиқомат қиладиган ҳар бир маҳалла ва узоқ қишлоқларга кириб боради. Мазкур банк ҳамкорликни бошлаган жойларда, аввало, тадбиркорлик, яратувчанлик, бўлажак корхоналар ҳамда бозор тамойиллари учун имконият туғилади. Муҳтарам Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишланган йиғилишида шундай деган эди: "Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, тадбиркорларга, аввало, кичик бизнес субъектларига асосий, шу жумладан, талаб катта бўлган моддий ресурслардан фойдаланиш имконини берадиган барқарор бозор механизми шакланди."

Якун ва таҳлил

"Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки ташкил этилганига кўп вақт бўлмаса-да, йил якунига қадар микросармоялар ажратиш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди. Муҳими, муайян тажрибалар тўпланди. Ҳозир банкимизнинг Устав капитали 43 миллиард 275 миллион сўмни ташкил этади.

Тадбиркорликнинг бошланиши одатда сармоя билан боғлиқ. "Микрокредитбанк" томонидан ажратилаётган имтиёзли микрокредитлар асосан ўз ишларини эндигина ташкил этмоқчи бўлганларга ва янги ишчи ўринлари яратиш билан боғлиқ кичик лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлиб, бошланғич сармояни шакллантириш учун берилмоқда. Бугун банк кредитларидан фойдаланаётган мижозларимизнинг 45 фоизи шундай микрокредитлар олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўяётган кишилардир.

"Микрокредитбанк"нинг мижозларга берган барча турдаги кредитлари миқдори ҳозирнинг ўзида 25,2 миллиард сўмга етди. Ушбу рақамлар замирида микросармояларнинг ҳажми билан биргаликда жуда катта ташкилотчилик ишлари ва изланишлар ётганини тасаввур қилиш қийин эмас.

(Давоми 2-бетда).

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида ЮНИСЕФ – халқаро болалар жамғармаси ташаббуси билан Ижтимоий ҳимоя йилида Оролбўйи минтақасида амалга ошириладиган ишлар кўламига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

ОНА ВА БОЛА ЭЪЗОЗДА

Тадбирда сўзга чиққанлар аёллар саломатлигини ҳимоялаш, улар ўртасида учрайдиган касалликларнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида тўхталди.

Минтақада биринчи навбатда кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, оналар ва болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, болалик даврида учрайдиган турли хасталикларнинг олдини олиш, уларга қарши эмлашга етарли даражада эътибор қаратиш муҳимлиги таъкидланди. Бу борада босқичма-босқич амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинди.

А. ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА

ЕР ЎЗ ЭГАСИНИ ТОПМОҚДА

Маънавият

ГАВҲАРНИ ТОШГА УРМАНГ

ҲИМОЯНИНГ МАЪНАВИЙ ТЎЛҚИНЛАРИ

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Финляндиянинг "Nokia" компанияси DVB-H технологиялар тизимида ишловчи рақамли мобиль телефонни яратди. Бу телефонда нафақат сўзлашиш, балки телевизор кўриш ҳам мумкин. "Nokia"нинг ушбу маҳсулоти ҳозирча 15 та телеканални кўрсатиш имконига эга.

«Ташаббус — 2007»

Жиззах вилояти Бахмал туманида ўтган «Ташаббус» кўрик-танловида «Энг яхши фермер» номинацияси бўйича 15 даъвогар иштирок этди. Уларнинг ўндан зиёди боғдорчилик билан шуғулланадиган тадбиркорлардир.

ДАЪВОГАРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

— «Ташаббус» танловида қатнашувчиларнинг таркиби ўзгариб бормоқда, — дейди туман ҳокими ўринбосари Бўрибой Тошпўлатов. — Бу гал тадбиркорлик, фермерлик, ҳунармандчилик бўйича иштирок этган даъвогарлар орасида боғдорчилик ҳамда халқ ҳунармандчилиги турлари бўйича фаолият юритаётганлар кўпчиликни ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қишлоқ хўжалигида ҳам, қайта ишлаш тармоқларида ҳам тадбиркорликнинг янги турлари пайдо бўлишига имкон яратди. Туманда ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган фермерлар 800 нафардан ошади. "Энг яхши фермер" номинацияси бўйича ғолиблик Эркин Норматов номидаги боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги раиси Сардор Синдоровга насиб этгани ҳам бежиз эмас.

Чавандозлар юрти бўлган Бахмалда от анжомлари ҳунармандчилиги анча ривожланган. Новқа қишлоғи ҳунармандлари ясаган от эгарлари «Бахмал қизил эгари» номи билан машҳур. Бу қадим ҳунарни давом эттириб келаётган Равшан Тоштемиров кўрик-танловнинг «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади.

— Бу йил туманларда бўлиб ўтган «Ташаббус» кўрик-танловида иштирокчилар ҳам, улар ишлаб чиқараётган маҳсулот турлари ҳам анча кўп бўлди, — дейди Республика Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Анвар Бекбўтаев. — Шунинг учун танловнинг вилоят босқичида ҳар бир номинация учун кураш янада қизғин бўлиши кутилмоқда.

Т. БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири.

Риштонлик касаначилар

Азал-азалдан ҳунармандлар маскани бўлган Риштон бугунги кунда қўлигул чеварлари, саховатпеша тадбиркорлари билан ҳам машҳурдир. Саломатхон Ҳамроева ана шундай тадбиркорлардан саналади. Айни пайтда у тумандаги "Умид" корхонасининг етакчи бичувчи-тикувчиси, ўнлаб шогирдларнинг севимли устози.

— Ҳунарли хор бўлмас, — деган мақол бор, — дейди Саломатхон опа. — Бугун ҳунармандлар замони десам янглишмаган бўламан. Негаки, қўлида ҳунари бор ҳар бир кишининг рўзғори бут, дастурхони тўкин. Айниқса, ҳукуматимиз томонидан касаначиликка кенг йўл очилганидан бўён ҳунарманд чеварлар сони бирмунча ортди. Улар корхоналар билан шартнома асосида нафақат кийимкечак, балки кўрпа-тўшаклар ҳам тикмоқда.

Ёшларга ҳунар ўргатишда эса Саломатхон опа ва у каби қўлигул чеварларнинг тажрибаси қўл келмоқда. Бугун опа ва унинг шогирдлари тикаётган бежирим кийимлар, сержило каштаю чопонларни кўрганда, инсоннинг қўли гул эканлигига яна бир бор иймон келтирасиз.

СУРАТДА: Саломатхон Ҳамроева.
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Кўнгил баёни

Минҳожиддин МИРЗО.

РИЗОЛИК ИСТАБ

Ҳазрат Навоий айтганларидек, ота-она фарзандлар учун офтоб ва ойдек азизу мукаррам. Уларнинг меҳр-муҳаббати билан қалбимиз нур симиради, зиёга чулғонади. Ҳамиша улар ризолигини олишга, дуоларига сазовор бўлишга интиламиз. Оллоҳ, Ватан ризолигига ҳам аввало ота-она ризолиги орқали эришилади.

ҚАНДАЙ ҚИЛСАК ЭҲСОНЛАРИМИЗ ХАЙРЛИ БЎЛАДИ?

Биз қачон, қаерда бўлмайлик, ҳамиша юрагимизнинг тўрида ота-оналаримизнинг дуоларини эшитгандай бўлаверамиз. Назаримда, ёшини яшаб, ошини ошаб, бу дунёни тарк этганда ҳам уларнинг нурли нигоҳи, руҳи ҳар қадамда бизни кузатиб, қўллаб, эзгу ишларга йўллаб туради. Шу боис бирор ишга киришадиган, бирор масалада қарор қабул қиладиган бўлсак, гарчи ул зотлар дунёдан ўтган бўлса-да, бир зум хаёлга толамиз, хўш, улар ҳаёт бўлганда бу қаророримизга қандай муносабатда бўлардилар? Бизга қандай йўл кўрсатган бўлар эдилар?

Ота-она руҳини шод этмак, ўтгандан кейин ёд этмак замирида ота-она ризолигига эришиш ётади. Устозларимиз айтадилар: "Оқил фарзанд ота вафотидан сўнг ҳашаматли ресторану кафеларда ҳаммани лол қолдириш мақсадида юз килолаб ош тортишга шошилмайди. Аввало, у мушоҳада қилади. — Ош тортишдан мақсад нима? Албатта, Оллоҳ ризолиги, ота-она ризолигига эришиш. Аммо, шаҳарнинг ярмини ошга айтиш билан Оллоҳ ризолигига, ота ризолигига эришиб бўладими? Ўтганларнинг руҳи қачон шод бўлади, қачон уларга кўпроқ савоб етади?

Албатта, оқил отанинг зурриёди бундай саволларга жавоб топмоқ учун энг мақбул йўл сифатида ўз отасидай бўлиб қолган нуроний оқсоқоллардан маслаҳат олмоққа шошади. Негаки, дунёнинг замонавий билимлари кўпроқ ёшлар онгида мужассам бўлса, дунёнинг энг инсоний ҳикматлари нуроний оталар қалбидадир.

ЭЗГУ АНЪАНАНИНГ БОШЛАНИШИ

— Яқинда эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган оилалардан бирида ота вафот қилдилар, — деб сўзини бошлади Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси бошқаруви раиси Эркин Боқибоев. — Отанинг ўғиллари, набиралари ҳам эл-юртда ўзига яраша мавқега, ҳурмат-эъзозга эга, азамат йигитлар. Агар улар ҳам шу пайтгача давом этиб келаётган "удум"ларга биноан отасига "йигирма" қиладиган бўлса, бу эҳсон дастурхонига минг-минглаб кишилар ташриф буюриши, оға-ини бўлиб соатлаб меҳмон кутишлари мумкин эди, аммо улар бундай қилмадилар.

— Эркин ака, биласиз падари бузрукворим бутун умри давомида эл-юртнинг хизматида бўлдилар, — деб сўзини бошлади ҳузуримга ташриф буюрган ўғиллардан бири. — Албатта, уларнинг руҳини шод этиш, биз фарзандларнинг бурчимиз. Аммо, наҳорда минглаб кишиларга ош бериш билан уларнинг ризолигига эришамизми? Қандай қилсак эҳсонимиз хайрли бўлади?

Тўғриси, бу йигитнинг сўзларидан хурсанд бўлиб кетдим, беихтиёр, "Отангизга раҳмат, балли, ўғлим!" деб юбордим. Сўнг кўпдан ўйлаб юрган мулоҳазаларимни айтдим.

— Аввало, ҳурмат қилиб маслаҳат сўраб келганингиз учун раҳмат, болам. Менинг назаримда, савобнинг энг мақбули бу уни муносиб жойига, аввало ҳожатмандларга қилинганидир. Афсуски, кўп ҳолларда ўтганлар руҳини шод қилиш мақсадида қилинганларга савобли дастурхон ёзилди.

Эркин аканинг "Бу ажойиб тадбирни биргалашиб тарғиб-ташвиқ қиламиз", деган таклифлари боис биз ҳам бу маросимда хизматда бўлдик.

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Тун-кунунгга айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Алишер НАВОИЙ.

Ҳа, биргина тўғри маслаҳат билан Тошкент шаҳридаги "Нуроний" шифохонасида мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган, шифохонага кўшни маҳаллалардан ташриф буюрган 600 дан зиёд отахон, 50 нафар онахонга ош тортилди. Ҳатто бу эҳсондан иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари даволанадиган пансионатдаги отахонлар ҳам бахраманд бўлдилар. Тошкент шаҳри бош имом хатиби Анвар қори Турсунов бу эзгу анъана муқаддас динимиз кўрсатмаларига мувофиқ эканлигини таъкидладилар. Ўтганларнинг руҳига бағишлаб Қуръони карим оятлари тиловат қилинди. Дуолар дуоларга уланди.

Тадбир якунланди, барчанинг юз-кўзида мамнунлик. Фарзанд-у набираларнинг қўллари кўксида. Нуроний отахонларнинг самимият ила айтаётган сўзлари, дуоларидан ўғилларнинг кўзлари нурланди, ёшдан йилтиради

— Барака топинг ўғлим, Оллоҳ муродингизни берсин!

— Отангга тортибсан, ўғлим!

— Мартабангиз бундан ҳам ҳам бўлар экан!"

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Эҳтимол, катта ресторану кафеларда минг-минглаб кишиларга дабдабали эҳсон дастурхони ёзиш ўрнига маъракаларни "Меҳрибонлик", "Мурувват" уйларига, ёлғиз қарияларимизга, махсус сиҳатгоҳларда ўтказганимиз савоблироқ бўлар.

Савоб, мурувват, саховат ҳақида ёзар эканман, беихтиёр пайғамбаримиз ҳазрат Муҳаммад (с.а.в)нинг саховат йўлини тутган умматларига қарата айтган сўзларини эсладим: "Ё парвардигор, фалончининг аждод авлодларидан раҳматингни дариғ тутмагил!"

Эҳсон фақат ош бериш кўринишида намоён бўлиши керакми? Ҳамма нарса ниятга боғлиқ, дейдилар-ку! Савобини ўтган ота-онамга бахшида этдим, дея ният қилиб дабдабали ош дамлаш ўрнига ўзимиз яшаётган маҳалла ёки кўп қаватли уй атрофида боғлар барпо этсак, йўлларни асфальтласак бўлмайдими? Ёйинки, камхаржроқ қўшнимизнинг йиқилган деворини тиклаб, чакка ўтаётган томини таъмирлаб берсакчи? Ногиронлик боис тўшакка михланиб қолган иқтидорли болаларга компьютер олиб берсак, қаранг, қанча хайрли ишлар қилишимиз мумкин... Ахир биз бир Ватан, бир халқ, бир оиланинг аъзоларимиз-ку?! Елкадошлик, миллий бирлик ана шундан бошланмайдими? Сизлар нима дейсиз азизлар?

ҲАЗРАТ НАВОИЙГА ИЗДОШ БЎЛАЙЛИК

Биз сўзимизни бежиз улуғ бобомиз Низомиддин Мир Алишер Навоий бобомиз ҳикматлари билан бошламагандик. Негаки, Навоийнинг Навоийлиги бу фақат унинг буюк шоир, олим, донишманд эканлигидагина эмас, балки у зотнинг саховатпешалигида ҳамдир.

Хондамирнинг қайд этишича, Алишер Навоий ўз маблағлари ҳисобидан Ҳиротда, мамлакатнинг қатор шаҳар ва қишлоқларида ўнлаб мадрасалар, 50дан зиёд работ, 17та масжид, 10дан ортиқ ҳаммом, 16 та кўприк, 20 га яқин тўғон, ҳовуз ва ариқлар қаздирган эканлар. Бундай иншоотларнинг сони 300 дан ортиқроқ бўлган экан. Ундан ташқари ҳар куни мамлакатнинг қатор ҳудудларида Ҳазрат Навоий маблағи ҳисобидан ошпазлар камхарж оилаларга ош, новвойлар нон тарқатган эканлар. Шу билан бирга ҳар куни ҳузурларига ёрдам сўраб келган ўнлаб кишиларнинг ҳожатлари чиқарилган, эхтиёжларига яраша мурувват кўрсатилган экан. Ҳатто шундай ривоятлар ҳам борки, у зотнинг қўли очиқлигидан қўлларида пул турмас экан.

Айтишларича, бу билан Навоийнинг бойлиги асло камаймаган, аксинча кўпайиб борган экан. Муборак китоблардаги "Саховат йўлини беркитмагил, Оллоҳ-таоло ҳам сенинг учун саховат йўлини беркитмагайдир"деган ҳикматнинг ҳаётий исботини ҳам айнан улуғ бобомиз амалларида кўрамиз.

Юртбошимиз саховат, эҳсон бобида ҳам бизни "Ижтимоий ҳимоя йили"да маънавиятимиз пешвоси бўлган ана шундай улуғ аждодларимизга муносиб издош бўлишга чорламоқда. Зеро, ҳазрат Навоий айтганларидек, "Инсоният боғининг энг гўзал дарахти эҳсондир. Ва одамийлик хазинасининг энг бебаҳо гавҳари ҳам эҳсондир".

Муаллиф ҳақида: *таниқли журналист ва шоир Минҳожиддин МИРЗО Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари лавозимида ишлайди.*

МИКРОСАРМОЯ — ЯХШИ ЯШАШГА ИМКОНИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бозор иқтисодиёти қонуниятлари ҳаётимизга кун сайин чуқурроқ кириб бормоқда. Бугунги тадбиркорларимиз билим, маҳорат ва омилкорлик кўникмаларини жуда тез эгалламоқдалар. Шуни қайд этиш керакки, ишни бошлаган шу қисқа давр мобайнида ҳам ана шундай имтиёз билан қайта микросармоя олган тадбиркорларни учратдик. Масалан, Андижон туманидаги "Нурилло" корхонасини кенгайтиришга ишонч асосида микрокредит берилди. Яъни, бу корхонадан кредит учун таъминот ҳужжати ва гаровлар талаб қилинмади. Банк билан алоқаларини ҳалол ва қонун-қоидаларни астойдил ҳурмат қилиш асосида йўлга қўйган шу сингари мижозлар халқимизга катта фойда келтиришлари билан бирга, ўзлари ҳам яхши натижаларга эришишлари муқаррар.

Аслида тадбиркорликка мойиллик ҳар бир ақл-идрок эгаси онгида мавжуд бўлиши мумкин. Ҳар ким ўз қобилияти доирасида бирор соҳага, касб-ҳунарга қизиқади, албатта. Инсон ўз хоҳиш-истаклари доирасидаги яратувчилик ишлари билан шуғулланса, шубҳасиз, у маълум бир ютуқларга эришади.

Табиатга, жониворлар оламига катта қизиқиш билан қарайдиган Илҳом Тожиддинов шаҳардаги мўъжазгина ҳовлисида турли жониворларни парвариш қиларди. Хона ичидаги аквариум билан шуғулланиш эса унинг энг севимли машғулотларидан бири эди. Уйда турли балиқлардан иборат жонли бурчак ташкил этувчиларнинг даъвати билан Илҳом хусусий фирма очиб, микрокредит олди ва иккита устани ишга ёллади. Улар аквариумлар ҳамда унинг пойига қўйиладиган чиройли ва замонавий мебелларни ясай бошладилар. Тайёр ҳолда сотувга қўйилган дастлабки иккита-учта акваториум тез харидорини топди. "Камола" хусусий фирмаси эса аквариум учун зарур бўладиган барча хизматларни ўз зиммасига олди. Жумладан, улар кўзни қувонтирадиган балиқчаларни кўпайтиришни, уларга озуқа тайёрлашни, сувни кислород билан тўйинтирадиган денгиз ўтлари ўстиришни ва акваториум ичини безайдиган ашёлар тайёрлашни йўлга қўйдилар. Урганч шаҳридаги энг гавжум бозорда очилган мазкур хусусий фирманинг "Зоомаркет" дўкони акваториум билан шуғулланувчилар учун барча хизмат турларини кўрсата бошлади. Эътиборлиси, хонадонларини жонли бурчак билан безайдиганлар ва табиат билан мулоқот қилишни хуш кўрадиганлар қисқа фурсат ичида фирмага кўплаб буюртмалар бера бошлашди. Фирма эса ҳозирнинг ўзидаёқ янги микросармоялар олиб, ўз фаолиятини кенгайтириш чора-тадбирларини кўрмоқда.

Айни пайтда "Микрокредитбанк" ўз хизматлари билан республикамизнинг барча ҳудудларини қамраб олган. Унинг 75 филиали, 243 мини банки ва 11 агентлиги аҳолига барча турдаги банк хизматларини кўрсатмоқда. Банкимизнинг микросармоялари ҳам мамлакатимизнинг барча чекка ҳудудларига қадар етиб борган. Бу сармоялар нафақат ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсишига, балки экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳам ёрдам бермоқда.

Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбида, Орол денгизининг бўйида Мўйноқ шаҳри бор. Ушбу балиқчилар шаҳрида ГулнораEmbергенова ташкил этган хусусий корхонада яратилаётган ҳар бир буюм, аввало, ўзбек ва қорақалпоқ халқи амалий санъатига иккинчи умр бахш этмоқда. Қолаверса, мазкур хусусий фирмада тайёрланган буюмларни хориждаги бозорларда ҳам бемалол кўз-кўз қилиш мумкин. Фирма ўз атрофига 16 нафар чевар қизни бирлаштирган. Улар қўлида миллий кашталар билан жило топган оддий қора шолрўмол ноёб буюмга айланади. У тантанали маросимлар учун айни муддаодир. Кашталарга қайта ҳаёт бағишлаш борасида кичик корхона Нукусдаги И.Савицкий номидаги санъат музейи билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Банкимиздан кредит олганидан сўнг тадбиркор ранг-баранг бадиий жилолар билан безалган турли бош кийимлари, ғилофлар, ҳамёнлар сингари 40 га яқин турдаги истеъмол ва ёдгорлик буюмларини ишлаб чиқара бошлади. Тадбиркор жундан турли иссиқ кийим-кечакларни тайёрлашни ҳам йўлга қўйди. Рангли юнгдан миллий нақшлар билан жило бериладиган бу уст-бошлар корхона кенгайтирилиб, янги микрокредит олинганидан кейин оммавий тарзда ишлаб чиқарила бошланади.

Қўшкўпир туманидаги "Мавлонбек-Мунисбек" ишлаб чиқариш корхонаси "Микрокредитбанк"дан беш ярим миллион сўм миқдорида сармоя олиб, нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйганди. Мазкур корхона ҳозир туман маркази аҳолисини ҳамда шу атрофдаги 40 та мактаб ва шунча болалар боғчасини юқори сифатли нон маҳсулотлари билан таъминлаяпти.

Аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркорлар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Бундай мижозларимиз сони ҳозир етмиш мингга яқинлашди.

"Микрокредитбанк" қишлоқ хўжалиги учун бераётган ёрдам ҳам мўлкўлчиликни барқарор этишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Кўпгина хўжаликлар ҳамкорлигимиз туфайли техника ва ускуналар билан таъминланмоқда. Масалан, янги йил арафасида Янгибозордаги "Шобон ая", Мирзачўлдаги "Ёлғош бобо", Қизилтепадаги "Ишонч", Боёвутдаги "Маржон Зиёда", Чустдаги "Кўктош султони" каби ўнлаб фермер хўжаликлари банкнинг лизинг хизматлари туфайли янги қишлоқ хўжалиги техникаларига эга бўлдилар. Ҳозирга қадар микролизинг хизматлари учун 3,4 миллиард сўмдан ортиқроқ сармоя сарфланди.

Қишлоқдаги оилалар фаровонлигини чорва моллари сонини тасаввур этиш мумкин эмас. Ҳар бир оила билан ҳамкорлик қилишга бел боғлаган банкимиз қишлоқдаги хонадонларга соғин сигирлар, шунингдек майда моллар олиб беришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Бундай мақсадлар учун 6,5 миллиард сўм ажратилди.

Микросармоялар олган мижозларимиз деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик, маиший хизмат ташкил этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш сингари соҳалар равнақига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Кўпчилик иссиқхоналар қуриб, қишда ҳам сабзавот етиштираяпти, парандалар, асаларилар, балиқлар боқишни йўлга қўяяпти. Шунингдек, мини телефон станциялари, интернет-кафелар ташкил этишаяпти.

Амалга оширилган ишлар кўлами, ҳажми, миқёси катта. Айни чоғда микросармоялаш хизматини йўлга қўйиш борасида барча имкониятлар ишга солинмоқда. Ишларни ташкил этишда бизга турли жамоат ташкилотлари яқиндан ёрдам бераётир. Кадрларимизни янги банк талабларига мос тарзда қайта тайёрлаш ва мижозларимизни ўқитишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Банклар ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси яқиндан кўмаклашаяпти.

Шуни айтиш керакки, мижозларимизнинг қарийб ярми хотин-қизлардан иборат бўлган тадбиркорлардир. Улар халқимиз учун ҳаётий зарур маҳсулот тайёрлашда ғоят фаоллик билан ишламоқдалар. Улар билан ҳамкорликни йўлга қўйишда бизга Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси яқиндан ёрдам берди. Мазкур ташкилот ва Марказий банк ҳамкорлигида республикамизнинг барча туманларида тадбиркорлик йўлини ўзининг келажаги деб танлаган хотин-қизлар билан учрашувлар ва семинарлар ўтказилди. Натижада хотин-қизлар бошқараётган ва меҳнат қилаётган корхоналар учун 4,1 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Ушбу сармоялар туфайли эса 6078 иш ўрни яратилди.

Ҳар бир хонадоннинг эҳтиёжларию имкониятлари кўпроқ аҳиллик ва осойишталик қўрғони ҳисобланган маҳаллага маълум. Шу боис Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгашининг республика "Маҳалла" жамғармаси билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Амалга оширилаётган ишлар аниқ белгилаб олинган ва уларни ҳаётга татбиқ этиш борасида жамғарма раҳбарияти билан Бош келишув имзоланган. Ҳозирнинг ўзидаёқ "Микрокредитбанк"нинг кўргазмали тарғибот ва ташвиқот воситалари, махсус тайёрланган плакатлари республикамизнинг ҳар бир маҳалласига етказиб берилди. Биргаликда тадбиркорликни ривожлантириш борасида семинарлар ва учрашувлар ташкил этиш режалари амалга оширилмоқда. Маҳалла фаоллари ва бу ерда яшаётган, катта ҳаёт тажрибасига эга ҳар бир оқсоқол омилкор, моҳир, билимли-тажрибали, бир сўз билан айтганда, қўлидан иш келадиган, ҳалол тадбиркорларни топишда яқиндан ёрдам кўрсатса, ҳамкорлигимиз, албатта, кўпроқ янада самара беради.

Моҳир тадбиркорлар тайёрлаш ишига узоқни кўзлаган ҳолда ёндашишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу борада биз яна бир катта имкониятдан яхшироқ фойдаланишга кириштик. У ҳам бўлса — касб-ҳунар коллежлари тизимидир. Бизнинг фаолиятимизга боғлиқ бўлган коллежлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, талабаларни тадбиркорлик ишига қизиқтириш, уларнинг мутахассисларимиз билан мунтазам учрашувларини ташкил этиш, зарур бўлган ҳолларда бу ерда касб-ҳунар эгаллаётганларни оталиққа олиш ишлари йўлга қўйилмоқда. Коллежни тадбиркорлик йўлидан бориш ва "Микрокредитбанк" билан ҳамкорлик қилиш истаги билан тугаллаган мутахассис ўз ишини ҳақиқий устаси бўлган ҳолда ҳаётга кириб келади.

Республикамизда микросармоялаш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш режаларимиз жорий йилда янада кенгаяди.

Маълумки, "Микрокредитбанк" микросармоялаш ишига халқаро молия институтлари ва етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этишга даъват этилган. Айни пайтда етакчи халқаро молия ташкилотлари ривожланаётган мамлакатларнинг кичик бизнес соҳаларига микрокредитлар ажратиш ишига катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Шу боис банкимиз кўпгина халқаро молия институтларининг эътиборини тортмоқда. Бу ҳол дунёдаги етакчи банклар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Шу кунларда банкимизда Ислом Тараққиёт банкининг 25 йил муддатга бериладиган 4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредитини республикамиз кичик бизнес субъектларига жалб этиш режалаштирилди.

"Микрокредитбанк" жамоаси 2007 йилни алоҳида масъулият ва вазифалар билан кутиб олди. Янги йилимизнинг муҳтарам Президентимиз томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши мамлакатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўлидаги ҳаммага маълум беш тамойилнинг амалий ифодасидир. Яъни, давлатимиз ўз фуқароларини ҳар томонлама муҳофаза этмоқда. Шу боис 2007 йил ташкилотимиз олдига микросармоялаш бўйича аниқ талабларни қўяди. Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз янги иш ўринлари яратишга, хотин-қизларни фойдали меҳнатга жалб этишга ва уларга қулай иш ва турмуш шароити яратишга қаратилган. Бундай хайрли ишлар қўлами қанчалик кенгайса, ҳамюртларимиз ижтимоий жиҳатдан ўзларини шунчалик муҳофаза этилган, барқарор моддий манбаларга эга фуқаролар сифатида ҳис этадилар. Энг асосийси, амалга оширилган тадбирлар, яратилган иш ўринлари туфайли дастурхонимиз тўкин, ҳаётимиз фаровон бўлади. Шунинг учун ҳам комил ишонч билан айтамизки, "Микрокредитбанк" сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

Шукрулло УМУРОВ, «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки бошқаруви раиси ўринбосари.

ЭЛЛАРНИ, ДИЛЛАРНИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши раиси, академик Саидаҳрор ҒУЛОМОВ билан суҳбат

— Саидаҳрор Саидаҳмедович, маълумки, "Дўстлик" жамияти шўролар даврида ҳам мавжуд эди. Мустақиллик йилларида унинг тизимлари тубдан янгиланди, вазифалари ўзгарди. Кенгаш тарихи, унинг олдига қўйилган вазифалар ҳақида гапириб бермасангиз?

— Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан ўрнатилган ҳамда "халқ дипломатияси"га асосланган дўстлик ва маданий-маърифий алоқалари узоқ тарихга эга. Ўтган асрнинг 20-йиллари охирида Тошкентда чет мамлакатлар билан маданий алоқалар жамиятининг Ўрта Осиё бўлимига асос солинган. 50-йилларда мазкур ташкилот "Ўзбекистон жамияти" деб номлана бошланди. 1958 йилда вилоят, туман ва шаҳарларда мавжуд бўлган дўстлик жамиятлари ва уюшмаларини республикамиз миқёсида бирлаштирувчи ташкилот — "Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти" таъсис этилди. У ўз сафларига 900 дан зиёд ишлаб чиқариш корхоналари, олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари, илмий текшириш муассасалари, жамоа хўжаликларини бирлаштирган эди.

Мамлакатимизнинг истиқлолга эришуви, юртимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳаётимизнинг барча соҳалари каби хорижий мамлакатлар билан бўлган дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларни ҳам тубдан яхшилаш, замон талабига мос равишда юксак босқичга кўтаришни тақозо қилди. Бунинг натижасида **1997 йил 20 майда** Тошкентда "Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши" таъсис этилди. Ўша йилнинг 26 майида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Кенгаш олдидаги вазифаларни белгилаб олиш ва амалга оширишда Фармон жуда муҳим роль ўйнади. Жумладан, хорижий мамлакатлар жамоатчилигида Ўзбекистон Республикаси ҳақида мустақил демократик давлат, маданий, илмий ва гуманитар алоқаларда муносиб фаол шерик сифатида тасаввур ҳосил бўлишига ёрдам бериш жамиятнинг энг муҳим вазифаларидан бири эканлиги Фармонда алоҳида белгилаб қўйилган.

Бугун давр чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларни замон талаблари асосида ҳар томонлама ривожлантиришни кун тартибига қўйди. Ҳеч бир халқ, у қанчалик кўп бўлмасин, ўз қобиғига ўралиб яшай олмайди. Дунё халқлари санъати, маданияти, фани бир-биридан ўрганиб ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири. Ҳар қанча ўрганса арзийдиган буюк тарихимиз, санъатимиз, адабиётимиз, ўзига хос урф-одатларимиз, анъаналаримиз бор. Шундай экан, ўтмишимиз ва халқимиз бугун турли жабҳаларда эришаётган ютуқларини ўзга ўлкаларда кенг тарғиб қилиш, хорижий давлатлар жамоатчилигини бой тарихимиз, маданиятимиз, адабиёт ва санъатимиз билан мунтазам таништириб бориш ҳам Кенгаш амалга оширадиган асосий ишлардан ҳисобланади.

Бунинг учун, энг аввало, халқ дипломатиясини кучайтириш, мунтазам равишда ўзбек ва дунё халқлари тарихи, маданияти, урф-одатларини кенг тарғиб этувчи турли фольклор-этнографик ансамблларга сафарларини ташкил этиш, фестиваллар ўтказиб бориш лозим, албатта.

Шунингдек, хорижий сармоядорлар билан иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш, Ўзбекистонда ватандош тадбиркорларимиз олиб борадоир тадбирлар уюштириб бориш ҳам Кенгашимизнинг доимий эътиборида. Бир сўз билан айтганда, биз эллари, дилларни боғловчи кўприк вазифасини бажаришимиз керак.

— Ўзбекистондан ташқарида ҳам жуда кўп ватандошларимиз яшайди. Кенгаш улар билан қай даражада алоқа боғлаган?

— Дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатида тахминан 5,9 миллион ватандошимиз истиқомат қилади. Улар билан ҳамкорлик қилиш Кенгаш фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Хориждаги ҳамюртларимиз билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, уларга ота-боболари туғилган ер, она тили, маданияти, тарихини унутмасликларига кўмак бериш, ватандошлар орқали улар истиқомат қилаётган юрт аҳолиси ўртасида Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларни бойитиш ва ривожлантиришдек савобли ишлар билан деярли ҳар куни шуғулланамиз, десам, хато қилмаган бўламан. Чунки мустақиллик туфайли бизга хориж эшиклари, чет элларда яшаётган ватандошларимизга эса юртимиз эшиклари очилди. Тақдир тақозоси ила турли йилларда хорижга чиқиб кетган ватандошларимиз билан бир гаплашиб кўринг. Ватан, юрт қадрини ўшанда тушунасиз. Кўплаб юртдошларимиз Ўзбекистонни бир кўриш, тупроғини кўзларига тўтиё қилиш орзусида дунёдан ўтиб кетишган. Бугун биз уларнинг фарзандлари, авлодлари билан алоқа ўрнатдик. Улар ота-оналарининг бу армонларини афсус-надоматлар билан эслашади, ҳозирги фаровон, озод кунлар келганига шукроналар айтишади. Бир шоир айтганидек, Ватаннинг қадрини мусофирдан сўр.

— Кенгашнинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларига ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Йил сайин Кенгашнинг хорижий мамлакатлар, ташкилотлар билан ўзаро дўстона алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Бир қатор давлатлар ва ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузганмиз. Масалан, Кенгаш ва "Росзарубежцентр"нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, "Россия Федерацияси" ва МДҲ халқлари билан дўстлик Федерацияси, "Фукусума-Ўзбекистон", шунингдек, "Япония-Ўзбекистон", "Япония-Евроосиё мамлакатлари", "Тинчлик қўнғироғи" ассоциациялари, Монголиянинг дўстлик жамиятлари иттифоқи, Латвиянинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамияти, ХХРнинг чет давлатлар билан дўстлик жамияти ўртасида шартномалар имзоланди ҳамда доимий ҳамкорлик ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Бундай ҳамкорлик натижаси сифатида шуни айтиб ўтиш мумкинки, қайд этилган ташкилотлар билан мунтазам равишда делегациялар алмашинуви, викторина, кўргазма, конференция ва семинарлар ташкил этиш яхши йўлга қўйилди. Россия, Германия, Буюк Британия, Болгария, Малайзия, Миср, Покистон, Греция, Япония, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларида турдош дўстлик жамиятлари таъсис этилишини Кенгаш ва унинг қошидаги дўстлик жамиятларининг фаолияти маҳсули деб бемалол айта оламиз.

Маълумки, Кенгашнинг ижтимоий ва илмий оммабоп нашри "Ўзбекистон" журнали мавжуд. Бу нашрда Кенгаш фаолиятидан ташқари, ватанимизнинг бугуни, маданиятимиз, санъатимиз, меҳмондўст ва яратувчи халқимизнинг урф-одат ва анъаналари, турли соҳаларда эришаётган ютуқлари кенг ёритилади. Ўлкамизга келган хорижлик меҳмонлар ва ватандошларимиз журналимиз орқали ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар ҳақида кўп нарсаларни билиб олишади.

Яқинда Кенгашнинг янги режалари тасдиқланди. Унга биноан, бундан буён мунтазам равишда мамлакатимизга ташриф буюраётган турли давлатларнинг янги элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари билан танишув маросимлари ўтказиб боришни режалаштирдик. Шунингдек, юртимизнинг ҳамда хорижий мамлакатларнинг миллий байрамлари муносабати билан дўстлик жамияти, элчихоналар ва миллий маданий марказлар аъзолари иштирокида турли тадбирлар уюштириб борамиз. Бундан ташқари, Германия, Россия, Вьетнам, Хитой Халқ Республикаси, Япония, Греция, Латвия каби мамлакатлар билан делегация алмашинувлари ташкил этилди.

Ўтган давр мобайнида Кенгаш ташаббуси билан тинчлик ва маданий ҳамкорликка бағишлаб кўплаб илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Жумладан, Кенгашимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги минтақавий стратегик тадқиқотлар институти билан биргаликда Россия ва Ўзбекистоннинг иттифоқчилик, гуманитар алоқалари мавзусида икки давлат сиёсатшунос олимлари иштирокида давра суҳбати уюштирди. Айни чоғда, халқлар ўртасидаги дўстлик ва маданий маърифий алоқаларни ривожлантиришга бағишлаб кўргазма, викторина, учрашувлар ташкил этдик.

Шу ўринда кенгашимиз ўтган йилда ўтказган тадбирлар ҳақида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтсам. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" муносабати билан "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси, "Ўзбекистон-Латвия" дўстлик жамияти, Латвиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, "Соғлом авлод учун" жамғармаси ҳамкорлигида 7-14-21 май кунлари кичкинтой болажонлар учун "Латиш мультфильмлари кунлари" ўтказилди. Тадбирга таклиф этилган "Ногиронлар уйи", "Меҳрибонлик уйлари" тарбияланувчилари ва айрим маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар фарзандларига умумий баҳоси 2 миллион 300 минг сўмлик совғалар топширилди.

Яна бир гап. Кенгаш дўстлик жамиятлари ва ватандошлар билан ҳамкорликда ўтган йилнинг 8 сентябрь куни "Пойтахт" меҳмонхонасида мустақиллигимизнинг 15 йиллиги байрами муносабати билан "Тасанно — 2006" номли хорижий халқлар анъанавий таомлари кўрик-фестивалини ташкил этди. Унда иштирок этган 12 та чет давлат вакиллари ўзларининг миллий таомларини намойиш қилишди. Иштирокчилар соврин ва совғалар билан тақдирландилар. Тўғриси, тадбир жуда яхши ўтди. Зотан, шундай тадбирлар одамлар ва мамлакатлар ўртасидаги қизиқишларни кучайтиради. Айтинг-чи, хитойликларнинг ёки голландларнинг нима тановул қилиши, бу овқатлар қандай тайёрланиши кимда қизиқиш уйғотмайди?

— Дўстлик жамиятлари орасида қайси бирининг фаолиятини алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?

— Умуман олганда, жамиятларнинг ҳаммаси ҳам ўз имкониятлари даражасида фаол ишлаяпти. Лекин "Ўзбекистон-Германия" дўстлик жамиятининг фаолиятидан бугун кўпчилик қониқиш ҳосил қилаяпти, десам, тўғри бўлади. Жамиятда Германиядаги нодавлат ташкилотлар билан делегация алмашинуви яхши йўлга қўйилган, тадбирлар юқори савияда ўтказилмоқда.

Шу ўринда яна бир муҳим гапни қайд этиб ўтсам. Дўстлик жамиятлари Кенгаши чет элдаги ватандошлар ва ҳамкорлар билан алоқа боғлаши учун ўз сайти ва электрон почтасини очди ва барчани кенг ҳамкорликка таклиф этади. Рухсат бермасангиз, электрон манзилларимизни эслатиб ўтсам. E-mail: council@globalnet.uz; сайти: www: djk.uz.

Б. ЭГАМҚУЛОВ суҳбатлашди.

МЕҲРДАН МУНАВВАР ДАРГОҲ

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Бу шинам ва сокин даргоҳда ақли заиф болалар тарбияланади. Бир қарасангиз, кулиб турган бўлишади, зум ўтмай мўлтираб қолишади. Ана шу туғма ногиронларга яратилган шарт-шароит билан танишар экансиз, улар ўз ҳолига ташлаб қўйилмаганини, аксинча, ардоқланаётганини кўриб, енгил тин оласиз.

— Ҳар қандай хайрли ишнинг бошланишига озгина эътибор, туртки керак экан, — дейди вилоят прокурори ёрдамчиси Насирулло Жўраев. — Мазкур даргоҳ ҳам саховатпеша инсонлар кўмагига, одамлар меҳрига муҳтож бўлиб қолган экан. Аввало, кўп қаватли бино томини янгилаш талаб этиларди. Машғулотлар олиб бориладиган хоналарни мукаммал таъмирдан чиқариш, эшик-деразаларни ва полларни бўяш зарур эди. Иссиқлик тизимидаги носозликларни бартараф этиш, тоза ичимлик сув муаммосини ҳал қилиш масаласи ҳам кўндаланг турганди. Вилоят прокуратураси аҳволни батафсил ўрганиб чиққандан кейин ўз тавсияларини берди, таклифларини ўртага ташлади.

Бир-биримизга яхшиликларни илиниб, эзгуликларни улашиб яшайдиган халқмиз. Унчамунча ишларни ҳашар йўли билан битириб юборишдек эзгу одатларимиз бор. Бюджетдан 21 миллион сўм ажратилиб, бинонинг томи қайта ёпилгач, «Ривож» фирмаси, «Иномжон файз» фермер хўжалиги, «Шаҳрихонсут», «Шаҳрихонпахта» акциядорлик жамиятлари енг шимариб, хизматга ҳозиру нозир бўлдилар.

— Комилжон Отахонов етакчи бўлган «Ривож»нинг савоб ишларидан туманимиз аҳли хурсанд, — мўмин кўзларида миннатдорлиқ шуълалари ёлқинланади Шаҳрихон туманидаги Мирзаахмедов номли 15-махсус мактаб-интернат директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича муовини Юлдузхон Бўтаеванинг. — У қўлидан келган ёрдамини аямади. Интернатнинг иссиқлик тизимини тўлиқ янгилаб берди. Бундан ташқари, телевизор, кийим-кечак, палос, ўқув қуроллари билан таъминлади.

Машғулотлар олиб борилаётган хоналарда бўлдик. Ҳаммаси эпли-сепли келинчакнинг уйидай ораста. Деразаларга тортилган пардалардан тортиб, жойлаштирилган мебелларгача тарбиячининг дидидан, гўзаллик ва нафосатга қанчалар ошнолигидан далолат бериб турибди. Ям-яшил гуллардан кўклам нафаси уфуради. Хоналар иссиқ. Бир хилда оппоқ кўйлак кийган болалар расм чизиш билан машғул.

Ўқув-машғулот хоналарида, ётоқхоналарда энг замонавий телевизорларга кўзимиз тушди.

— «Шаҳрихонсут» жамоаси яқинда тўртта телевизор совға қилди, — дейди яна бир суҳбатдошимиз Муҳаббатхон Маҳкамова. — Машғулотларнинг жонли ва мазмунли ўтишида ойнаи жаҳоннинг алоҳида ўрни бор.

— Бу гўдаклар ҳам бир кун келиб балоғат ёшига етадилар, — Шаҳноза исмли қизнинг сочларини силаганича сўз юритади тарбиячи Насибахон Назарбекова. — Шу боис қизларга меҳмон кутиш, кийим тикиш, овқат пишириш, дазмол босиш сингари юмушларни ўргатамиз. Бунинг учун махсус хоналар ажратилган.

— Ўзбеклар сингари бағрикенг, болажон халқ ҳеч қаерда бўлмаса керак, — дейди шогирдларидан меҳр тўла кўзларини узолмай Комила Раҳматуллина. — Ҳукумат ғамхўрлигини, эътиборини ҳар нафас ҳис қиламиз. Битта нон топса, бир бурдасини болаларимизга илиниб турадиганларнинг ҳиммати-дан бошимиз осмонга етади. «Шаҳрихонпахта»дагиларнинг ёрдами билан хоналаримиз ёришиб кетди. Мана шу кўзни қамаштирадиган пардалар ҳам ўша саховатпешаларники.

«Иномжон файз» фермер хўжалиги томонидан олиб берилган сумкалар, иссиқ кийимлар, телевизорлар қалбларга баҳор қуёшидай тафт бераётир. Иккинчи қаватдаги хийла кенг залга чўғдай ёниб турадиган гиламлар осилган.

— Рўпарадаги гиламни «Иномжон файз» раҳбари Одинахон Отахонова директоримизга совға қилган эди. Лекин Ёқутхон опа Қўзиева «Ҳамма бу ерга совға-салом келтирсаю, мен уни уйимга олиб кетаманми?», деб кўнмадилар, — дея изоҳ берди Юлдузхон.

Дадасининг бўйнидан қучиб, қучоғида эркалана билмаган, қўлларидан тортқилаб ҳали уни, ҳали буни олиб беринг, дея хархаша қилолмаган, ойижонисининг иссиқ бағрига юзларини босганча пишиллаб ухлаш нималигини тасаввуригаям сиғдиролмаган, тенгқурларига ўхшаб кўчаларни шовқинга тўлдириб шўхликлар қилолмаган бу болакайлар атрофида парвона бўлаётганлар чинакам фидойилардир. Уларнинг, беминнат ёрдамга шай турганларнинг кечаю кундуз қилаётган хизматлариям, кўрсатаётган мурувватлариям ҳимматлариям аслида қалблар тубидан сизиб чиққан меҳрдир.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СПОРТ

Кеча Намангандаги «Паҳлавон» спорт мажмуаси кортларида теннис бўйича норасмий жаҳон чемпионати — «Дэвис кубоги-2007» мусобақаларининг биринчи босқичи бошланди.

Дэвис кубоги Наманганда

Бу сафар ҳамюртларимиз ҳиндистонлик теннисчилар билан куч синашадилар. Рақибларимиз бир неча бор Дэвис кубоги турнирларида муваффақиятли иштирок этишган. Улар Леандер Паес, Каран Растожи, Вивек Шокин ва Сунил Кумар каби теннисчилар билан ташриф буюришган. Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Сарвар Икромов, Мурод Иноятовдан иборат Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам муносиб жавоб қайтаришга тайёр туришибди.

«Паҳлавон» спорт мажмуасида мусобақани кўнгилдагидек ўтказиш учун жиддий тайёргарликлар олиб борилди. Кортлар хорижлик мутахассислар ҳамкорлигида махсус қопламалар билан жиҳозланди. Қуръа натижаларига кўра, беллашувларни Денис Истомин ва Вивек Шокинлар бошлаб беришди.

Мусобақа 11 февраль куни якунланади.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очиқ аукцион савдоларида иштирок этишга таклиф этади!

Республика Кўчмас мулк биржасининг ҳудудий вилоят филиаллари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига суд ижрочилари томонидан хатланган кўчмас ва бошқа мулкларни савдога қўймоқда.

I. Республика Кўчмас мулк биржасининг Фарғона вилояти филиалида 2007 йил 6 март куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Фарғона шаҳар нотариусининг 2007 йил 4 январдаги 17-сонли қарорига асосан, Марғилон шаҳар суд ижрочилари томонидан хатланган, Марғилон шаҳар, Янгиҳаёт кўчаси, 2-уйда жойлашган «Карнафул» хусусий фирмасига тегишли бино ва иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 29 669 473 сўм.

2007 йил 6 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган кўчмас мулк 2007 йил 9, 13, 27 март ва 3 апрель кунлари ўтказиладиган аукцион савдосига қўйилишини маълум қиламиз.

II. Республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий вилояти филиалида 2007 йил 5 март куни соат 11.30 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

Навоий шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 21-05-02/3398-сонли иши бўйича 2006 йил 2 ноябрдаги ижро варақасига асосан «SINTEPON» АЖга қарашли мол-мулклар:

1. «АН-1800» русумли ватин ишлаб чиқариш ускунаси.	*Бошланғич баҳоси — 38 117 920 сўм.*
2. 3 қаватли маъмурий бино, майдони 305,50 кв. м.	*Бошланғич баҳоси — 40 851 086 сўм.*
3. Ошхона биноси, майдони 513,41 кв. м.	*Бошланғич баҳоси — 26 240 144 сўм.*
4. Цех биноси, майдони 6 313,88 кв. м.	*Бошланғич баҳоси — 180 546 809 сўм.*
5. Цех биноси, майдони 1897,89 кв. м.	*Бошланғич баҳоси — 74 977 200 сўм.*
6. Цех биноси, майдони 4628,20 кв. м.	*Бошланғич баҳоси — 142 506 501 сўм.*
7. Цех биноси, майдони 1540,30 кв. м.	*Бошланғич баҳоси — 48 826 076 сўм.*

III. Республика Кўчмас мулк биржасининг Хоразм вилояти филиалида 2007 йил 15 март куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

Хоразм вилояти хўжалик судининг 2006 йил 15 июндаги №22.06.04-1019н-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Хива тумани, Обводная кўчаси, 7-уйда жойлашган «Хива-гилами» ОАЖга қарашли қурилиши тугалланмаган 2-навбатдаги бино.

Бошланғич баҳоси — 1 405 073 400 сўм.

2007 йил 15 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган мулк 2007 йилнинг 22 ва 29 март кунлари ўтказиладиган аукцион савдосига қўйилишини маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризалар қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини

— РКМБ Фарғона вилояти филиалининг қуйидаги: Фарғона вилояти «Халқ банки»нинг амалиёт бўлимидаги 20210000700571452023, МФО 00497 ҳисоб рақамига;
— РКМБ Навоий вилояти филиалининг қуйидаги: АТИБ «Ипотека банк»нинг Навоий бўлимидаги 20210000300571452458, МФО 00205, ИНН 200933850 ҳисоб рақамига;
— РКМБ Хоразм вилояти филиалининг қуйидаги: АТИБ «Ипотека банк»нинг «Тинчлик» филиалидаги 20210000700571452056, МФО 00580, ИНН 200933850 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛЛАР:

— «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Фарғона вилояти филиали, Фарғона шаҳри, М.Қосимов кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази». Телефон: код 8 (373) 229-85-90.

— «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Навоий вилояти филиали, Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уй. Телефонлар: 770-35-90, 22-4-64-31, 4-15-61.

— «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Хоразм вилояти филиали, Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй (Мўлжал: Урганч шаҳар халқ таълими бўлими). Телефонлар: 226-32-63, 226-43-64.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 №000004.

Российский линолеум

Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск

тел. 134-48-11
факс 134-49-58

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

ҚУЛФЛАШ-НАЗОРАТ ПЛОМБА ВОСИТАЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА

ТЕНДЕР ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Мурожаат учун телефонлар: 120-76-60, коммутатор: 120-76-00, ички: 26-11, 26-08.

Таклифлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун муддат ичида қабул қилинади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси Шуҳрат Ирматовга онаси

Баҳрихон ая ИРМАТОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Молия институти жамоаси Информацион технологиялар кафедраси профессори Мадамин Ирматовга рафиқаси

Баҳрихон ая ИРМАТОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

2007 йил *юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ёрдам тушунчаси, унинг тарихий ва туб илдизлари, моҳияти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизни баҳам кўришга жазм этдик.*

Ёрдам

Расули акрам дедиларки, «Биродарларингизга, хоҳ у золим бўлсин, хоҳ мазлум, ёрдам беринг». Саҳобалар сўрадилар: «Мазлумга-ку ёрдам берамиз, золимга ёрдам беришлик қандай бўлади?» Расули акрам жавоб бердиларки: «Уни зулм қилишдан тўхтатиб қолсангиз, шу унга қилган ёрдамингиз бўлади».

Бинобарин, ёрдамнинг хили ва тури кўп. Халқимизда «Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам, донғи чиқмас» деган мақол бор. Бу бежиз эмас. Одамлар бирибирининг ёрдамисиз яшай олмайдилар. Бу гапни ибтидодан бошласак, инсоният икки жинсдан иборат қилиб яратилган, бир-бирисиз яшай олмайди.

Жамият аъзоларига келсак, бу дунёда кўп ишларни ўзаро ёрдамсиз қилиб бўлмайди. Тилимизда қарашиб юбориш, деган маънодор ибора бор. Иморат қуриш, ер ҳайдаш ва шудгорлашда, ҳосилни йиғиб-териб олишда қариндошлар ва дўст-ёрлар бир-бирларига ёрдам берадилар. Буни ҳашар деймиз. Тўй қилувчиларга ҳам баҳоли қудрат ёрдам берилади. Бу тўёнадир. Одатда тўёна беминнат қилинади, «Мен тўй қилганимда фалончи ҳам ўз навбатида тўёна қилади», деб умид қилинмайди, шундай деб ўйланса, тўёна тўёна эмас, атайин берилган қарзга ёки миннатга айланиб қолади. Яхшиси, бундай «тўёна»ни қилмаган маъқул.

Бошига бирор мушкулот тушиб, муҳтож бўлиб қолган кишига фоиз олмасдан, яъни судхўрлик қилмасдан пул бериб туриш савоб амаллардан ҳисобланади. Буни қарзи ҳасана дейишади. Ҳадиси шарифда айтилишича, садақа қилишдан қарз бериб турмоқ афзалдир. Чунки садақа муҳтож кишининг ҳам, муҳтож бўлмаган кимсанинг ҳам қўлига тушиб қолиши мумкин. Бироқ қарзни муҳтож кишигина сўрайди, минг истиҳола билан тили калимага келади. Иккинчидан, қарздор киши қарзини узиш учун меҳнат қилади, қарз ҳатто танбал одамни ҳам ҳаракатга келтириб юборади. Қарз бериш орқали ёрдам кўрсатишнинг афзаллиги мана шунда ҳам кўринади.

Ёрдам кўрсатувчи кишилар шафқатли, меҳрли, мурувватли ва куюнчак инсонлардир. Мабодо, уларнинг бошига оғир кун тушиб қолса, эл-юрт ёрдамга келади, ёлғизлатиб қўймайди.

Бироқ берилган ёрдам эзгу мақсадда ишлатилиши аниқ бўлгандагина ёрдам мақомида бўлади, ножўя ишларга сарфланса, ёрдам берувчининг ўзи ҳам гуноҳга шерик бўлиб қолади. Душманлик, ўч олишлик каби мақсадларда фойдаланадиган ёрдамдан киши ўзини тийиши шарт.

Қадим замонлардан буён ёрдам кўрсатишнинг шахсий, жамоат ва давлат шакллари мавжуд. Шахсий ёрдам кўрсатиш шакли — бу бир кишининг иккинчи бир кишига ёрдам беришидир. Иморат солишда қариндошуруғлар ва маҳалла-қўйнинг йиғилиб келиб қарашиб юбориши — ёрдам кўрсатишнинг жамоат шаклига ёрқин бир мисол бўлиши мумкин. Хазина ҳисобидан ёрдам берилса, бу ёрдам кўрсатишнинг давлат шаклидир. Ма-

салан, фавқулодда ҳодисалар — зилзила, ёнғин, сел, тоғ кўчиши туфайли бошпанасиз қолганларга давлат маблағи ҳисобига уй-жой қуриб берилади.

Жамоат ёрдами ўз навбатида икки турга бўлинади: уюшмаган (даврий) ва уюшган (доимий). Масалан, ҳашар ҳар доим ва қатъий тартибда ўтказилавермайди. Шунинг учун ҳам бундай ёрдам шаклини шартли равишда уюшмаган (даврий) деб атадик. Хайрия уюшмалари, турли жамғармалар ташкилий жиҳатдан уюшган ҳолда, доимий тарзда фаолият кўрсатади. Масалан, «Қизил ярим ой» жамияти, истиқлол йилларида республикамизда вужудга келган «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Меҳрибонлик», «Экосан», «Олтин мерос» ва шу каби жамғармалар уюшган тарзда фаолият кўрсатмоқда.

Барча халқлар ва динларда одамнинг одамга ёрдам кўрсатиши мақбул ва манзур омиллардан, деб ҳисобланади. Масалан, Ислом динида бешта фарз амалнинг бири — закот муҳтож одамларга моддий ёрдам кўрсатишга қаратилгандир.

Ёрдам кўрсатишнинг тартиби ва меъёри ҳам бўлади. Ҳадиси шарифда буюрилишича, одам, аввало, ўзига, кейин аҳли аёлига (оила аъзоларига), сўнгра хешакраболарига (қариндошуруғларига), ундан кейин қўни-қўшнилар ва ёр-биродарларига ёрдам берса, рисоладагидек бўлади. Одамнинг ўзидан бошқаларга ёрдам бериши бу маълум нарса. Хўш, одамнинг ўзига ўзи ёрдам бериши нима? Бу шуки, киши толиққанда ҳордиқ чиқариши, бемор бўлганда даволаниши, мижозига қараб овқатланиши ва кийиниши, ўзини моддий нарсалар билан бирга маънавий озуқа билан ҳам таъминлаб бориши шарт. Агар шундай қилиб бормаса, бошқалар у ёқда турсин, ҳатто ўзига ҳам ёрдам кўрсата олмайдиган ҳолатга тушиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

Кўринадики гап айланиб, маънавий ёрдамга келиб тақалади. Ҳозирги ўрта яшар кишилар яхши эсласалар керак, бизларнинг ўқувчилик йилларимизда ҳурматли ўқитувчиларимиз тўполончи болаларни оғир-вазмин ўқувчилар билан ёнма-ён бир партага ўтқазиб қўйишар, дарсларни яхши ўзлаштирмовчи, ўйинқароқ болаларни аълочи ўқувчилар билан қўшиб қўйиб, бирга дарс тайёрлашга ундашар эдики, бу тадбир муайян даражада маънавий самара берарди. Ўз касбини севган муаллимларнинг дарс соатларидан кейин ҳақ олмай ўқишда орқада қолаётган ўқувчилар билан қўшимча машғулот ўтказишлари ҳам ёрдамнинг маънавий турларидандир. Умуман олганда, устоз ва шогирдлик муносабатлари замирида маънавий ёрдам ётади.

Ёрдам ҳақидаги сўзимиз шу ергача тирикларнинг тирикларга кўрсатадиган моддий ва маънавий ёрдами хусусида борди. Энди ёрдамнинг яна бир тури тўғрисида мухтасар тўхталамиз. Бу тирикларнинг вафот этиб кетганларга кўрсатадиган ёрдамидир. Уни руҳий ва руҳоний ёрдам деб атасак бўлади. Марҳум ва марҳумаларни яхши сифатлар билан ўқтин-ўқтин эслаб, мозорларини зиёрат қилиб, улар учун дуои фотиҳалар ўқиб, руҳларини шод этиб турсак, биз тирикларнинг вафот этиб кетганларга қилган ёрдамимиз бўлур. Аслида, бу ёруғ жаҳонда кўрсатилган барча моддий ва маънавий ёрдамларимиз, ҳамма эзгу ишларимиз, яхши амалларимиз — мана шу учинчи — руҳий ёрдамга сазовор бўлиш, маълум маънода охиратимиз обод бўлиши учундир.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон санъат арбоби, ёзувчи.

Минг битта умримга арзийсан, Ватан!

Мен — ҳаёт боғида омонат япроқ,
Тўкилиб кетаман эрта, индин ё.
Бир куни мен сенга қайтаман, Тупроқ,
Бир куни мен сенга қайтаман, Само.

Тангрим азал сени яратмиш суюк,
Қошингда заррача эмасман, зотан,
Шу қадар мангусан, шу қадар буюк,
Минг битта умримга арзийсан, Ватан!

Дунё нима ўзи — савдо бозори,
Яшасам бўларди дўст қилиб танни.
Худо урмасмиди, етиб озори,
Ҳаётдан пастроққа қўйсам Ватанни?

Ўтиб қўймасмиди Отам баҳримдан,
Тўлиб кетмасмиди дўзах ноламга?
Қонлар оқмасмиди бу тош бағримдан,
Ватан қолдирмасам магар боламга?!

Йўқ, бундай яшашга кўнолмайди жон,
Сени танимаслик — Руҳимга иснод.
Сен деб яшамасам, борлигим ёлғон,
Сен бор, у дунёю бу дунём обод.

Менинг забоним — гул, қўлларим — сабо,
Сенга бўй таратмай сўлмайман, Ватан.
Ҳали кўп яшайман, аввали Худо,
Камолинг кўрмасдан ўлмайман, Ватан!

Беҳзод ФАЗЛИДДИН.

Қулоққа қуйиб олинг

Нодоннинг ўлими халойиқнинг роҳатидир.

* * *

Доно билан қилинган маслаҳат пушаймонлик йўлига қўйилган тўсиқдир.

* * *

Икки киши доимо бойдир ва ҳеч қачон камбағал бўлмайди: бири олим, иккинчиси қаноат эгаси.

* * *

Кетидан узр айтиш лозим бўладиган сўзни сўзлама.

* * *

Баланд олса ўзини
ҳар бир киши,
Тарозунинг бўш палласи
йўқ тоши.

* * *

Яхшиликка яхшилик
ҳар кишининг иши,
Ёмонликка яхшилик
эр кишининг иши.

* * *

— Зое ўтган умр қайси?
— Бировга яхшилик қила олиши мумкин бўлиб, қилмаган умр.

GURUNG

Тушдаги ҳақиқат

Ривоятга кўра, бемор Амир Темурнинг ёнида фақат Сароймулкхонимгина туришга ҳақли эди. Ҳукмдорнинг қўзғалишга мадори етмас, бинобарин Сароймулкхоним унинг аҳволидан кечаю кундуз хабар олиб турарди. Тунларнинг бирида толиққан хонимга уйқу ғалаба қилиб, пинакка кетади-ю, шу заҳоти сесканиб уйғонади. Табиийки, уйғонгани ҳамоно ҳукмдор ётган томонга кўз ташлайди. Аммо қайси кўз билан кўрсинки, тўшакда ҳеч ким йўқ эди. У сапчиб ўрнидан туриб, ташқаридаги посбондан ҳукмдорни сўрайди. Посбон таъзим ила қоронғулик томонга ишора қилади. Хоним ўша томон бораркан, кичикроқ тепалик устида турган қора бир гавдани кўради. Бу жаҳонгир Темур эди. Елкасида чопон, чуқур хаёлга чўмган ҳолда қоронғуликка тикилиб турарди. Хоним «Бу қандай гап, улуғ амир? Қаҳратон қиш, изғиринли тунда касал ҳолингиз билан бу ерда туришингизда не ҳикмат бор?», — деб уни ўрдугоҳ томон бошлайди. Темур ўрнига ётгач, хоним яна бу ғайритабиий аҳвол сирини сўрайди. Соҳибқирон хўрсиниб, оҳ тортгач, шу кеча кўрган тушини сўзлайди: «Ҳар икки чеккаси баланд қамишлар билан ўралган катта йўлда отимни елдириб кетаётган эдим, тўсатдан йўл четидаги қамишзор шитирлаб қолди, мен ўша томонга қарадим. Қарадиму, ҳайратдан жиловни тортиб тўхтадим. Қамишзордан падари бузрукворимиз шитоб ила чиқиб келар эдилар. Мен ҳайрат ичида отдан тушуб, отамнинг истиқболига юра бошладим. Аммо падари бузруквор менга илтифот қилмай, олдимдан ўтиб бориб, отимнинг эгар-жабдуқларини ечиб олдилар ва келган йўлларига қайтиб, тўқайда ғойиб бўлдилар. Мен катта йўл устида гарангсиб, салт от ёнида турганим ҳолда уйғониб кетдим. Бу хосиятсиз туш даҳшатидан ташқарига чиққанимни ҳам сезмай қолибман... Паймона тўлғонга ўхшайдур...»

Дарҳақиқат, эртаси 1405 йил (17 шаъбон 807 йил) 18 февраль чоршанба куни шом билан хуфтон намози ўртасида жаҳонни ларзага келтирган машҳур саркарда ва буюк ҳукмдор Амир Темур ҳаётдан кўз юмади.

***

Масъуд бин Усмон ал-Кўҳистонийнинг ҳикоя қилишича, Абдуллатиф Мирзо шаҳар четида жойлашган «Боғи майдон» (тарихчи Мирхоннинг ёзишича «Боғи чинор»)да айш-ишратга машғул бўлиб, кайфи ошиб ухлаб қолган. Тушида номаълум бир киши қўлидаги усти ҳарир рўмол билан ёпилган лаганни унинг олдига қўяди. Абдуллатиф оҳиста қўл чўзиб, лаган устидаги рўмолни кўтарганда, ўзининг кесилган бошини кўриб, даҳшатдан қаттиқ қичқиради ва уйғониб кетади. У қўрқинчли туш таъбирини Низомий Ганжавийнинг «Хамса»сидан топмоқ истагида жовондан мазкур китобни олиб, тўғри келган варағини очиб ўқийди. Унда қуйидаги форсий байт ёзилган экан:

Падаркуш подишо
ҳиро нашояд,
Ва гар шояд ба шаш
моҳи нашояд.

Мазмуни: **«Отасини ўлдирган подшоҳликка нолойиқдур, агар лойиқ бўлганда ҳам (подшоҳлиги) олти ойдан ошмайдур.»**

Шаҳзода кўрган тушидан, боз устига, унинг таъбиридан қўрқиб, бу бехосият боғдан чиқиб, шаҳар томон кетаётганида Бобо Ҳусайн баҳодир камондан отган ўқдан қулади ва шу заҳотиёқ жон берди. Ўқ анинг чап қурагини тешиб ўтиб, юрагига қадалғон эркан. Мирзонинг мулозимлари олди-орқасига қарамайин, тум-тарақай бўлиб қочдилар. Бобо Ҳусайн баҳодирнинг навкари чопиб бориб, Абдуллатифнинг калласини кесиб олди ва хуржунга солди. Падаркушнинг бошини Регистонга олиб боруб, Мирзо Улуғбек мадрасаси пештоқига осуб қўйдилар». Бу мудҳиш воқеа ҳижрий 854 йил рабби ул-аввал ойининг 26-сида, мелодий 1450 йил 9 май куни содир бўлганди.

«Гурунг» саҳифасини Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

Навоийни шарафлаб

ЎзРФА Тил ва адабиёт институтида Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Алишер Навоий ижодини ўрганишга бағишлаб ўтказилган навбатдаги анъанавий анжуманнинг 51- йиғилишида республикада таниқли ҳамда кўзга кўринган олимлар, ёзувчилар-у шоирлар иштирок этдилар. Улар ЎзРФА вице-президенти, академик С. Ғуломовнинг табрик сўзини мароқ билан тингладилар.

Анжуман дастуридан жой олган маърузалар Навоий ижодини ҳар томонлама қамраб олганлиги билан эътирофга сазовордир. Уларда жаҳон халқлари ижтимоий қарашлари тараққиётида Навоийнинг роли, Латифий тазкираси ҳақида, Германияда навоийшунослик, шоир ижодида араб шеърияти анъаналари, услуб ва талқин, мумтоз матн ва муаллифлик ҳуқуқи каби қатор мавзуларда батафсил фикр юритилди.

Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, институт директори, профессор Т.Мирзаев таъкидлаганидек, институтнинг асосий ва доимий йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

умумтаълим мактабларига 2007 йил учун мактаб мебели, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер синфлари учун махсус мебеллар ва спорт анжомларини харид қилиш тўғрисида эълон қилади

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги «2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги 493-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 456-сонли қарорига асосан тендер савдолари орқали умумтаълим мактаблари учун мактаб мебели, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер синфлари учун махсус мебеллар ва спорт анжомларини харид қилади.

Очиқ тендер савдоларида умумтаълим ва ихтисослаштирилган синфлар учун мактаб мебели ишлаб чиқариш базасига эга, умумтаълим мактаблари учун сифати ва баҳоси бўйича харидоргир ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари ва оргтехникаларини (шу жумладан, компьютер техникаси) ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш имкониятига эга бўлган мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари — Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдолари бошлангунча тендерда иштирок этмоқчи бўлган талабгорлар тендер комиссияси ёки тендер комиссиясининг ишчи органи томонидан тендер олди саралаш босқичи (квалификационный отбор)дан ўтказилади. Танловда қатнашиш учун талабгорлар тендер комиссиясининг ишчи органига тендер таклифи билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- талабгор (қатнашувчи) ўзининг мебель ишлаб чиқариш базаси мавжудлиги тўғрисидаги (кадастр маълумотномаси ва ҳок.) ҳужжатнинг асли ёки нотариал тасдиқланган нусхаси;
- талабгор банкротлик жараёнида бўлмаганлиги тўғрисида Монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг ҳудудий бошқармаси маълумотномаси;
- давлат рўйхатига олувчи органнинг талабгор тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида бўлмаганлигини тасдиқловчи маълумотномаси;
- давлат рўйхатига олувчи органининг талабгор юридик шахс сифатида рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- талабгор бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарзи йўқлиги тўғрисида Давлат солиқ инспекциясидан тегишли тартибда расмийлаштирилган маълумотноманинг асл нусхаси ҳамда тендер қатнашчисининг асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамларида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисидаги тегишли банк маълумотномаси.

Тендер савдоларида иштирок этишга қуйидаги юридик шахслар қўйилмайдилар:

- қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;
- белгиланган муддатда тендер олди саралаш босқичи (квалификационный отбор) учун барча талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этмаганлар;
- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари билан илгари тузилган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганлар ва бажармаётганлар;
- тендер савдоси ўтказилиши тўғрисида эълон қилингунга қадар 6 ойдан кам муддат ичида ташкил этилганлар;
- суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётганлар;
- тендер комиссиясининг тижорий ва молиявий кўрсаткичлари талабларига жавоб бермайдиганлар.

Тендер олди саралаш босқичини ўтказиш муддати — охирги тендер ҳужжатларининг топширилиш кунидан бошлаб 15 кун.

Тендер комиссиясининг топшириғига асосан ишчи органи талабгорларнинг ишлаб чиқариш жойлари, ишлаб чиқариш қуввати, технологик ускуналар, салоҳияти, ишлаб чиқариш дастгоҳлари ва малакали мутахассислари, хомашё ва материаллар мавжудлигини ўрганиб чиқади.

Талабгорлар қўшимча маълумот олиш учун тендер комиссиясининг ишчи органи — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Ўқув таълим-таъминот» давлат унитар корхонасига тендер таклифлари қабул қилишнинг сўнгги санасигача маҳаллий вақт билан (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 га қадар қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

700070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,
Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 3-берк кўчаси, 92-уй.
«Ўқув таълим-таъминот» давлат унитар корхонаси
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Телефонлар: (83712) 68-75-85, 68-03-37.
Факс: (83712) 68-03-37.

Тендер ҳужжатлари пакетини сотиб олиш учун талабгорлар ишчи органнинг махсус ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан 100000 (юз минг) сўм миқдорида қайтариб берилмайдиган комиссион тўловни амалга оширгач олишлари мумкин:

банк махсус ҳисоб рақами 20210000700101561002,
АК «Ипотекабанк»и Меҳнат филиали,
МФО 00423, ИНН 200524742, ОКОНХ 71100.

Тендер таклифлари умумий суммасининг 2% миқдордаги закалат пули бириктирилган бўлиши керак. Закалат пули ҳар бир лот бўйича алоҳида юқорида келтирилган тендер комиссияси ишчи органининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим.

Тендер таклифлари тендер комиссиясининг ишчи органига 2007 йил 14 март куни соат 15.00 дан кечикмасдан тақдим қилиниши лозим.

1708/264

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 153. 40638 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳих — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 21.40 23456